



## THE ROLE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE FORMATION OF INTUITIVE KNOWLEDGE IN EMPLOYEES

*Jakhongir Sharipovich Iskandarov*  
Tashkent State University of Economics  
Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** cognitive, intuition, behavior, intuitive, original, symmetry, creative, ability, socio-cultural, memory, attention

**Received:** 29.07.24

**Accepted:** 31.07.24

**Published:** 02.08.24

**Abstract:** This article reveals the role of pedagogical technologies in forming the intuitive knowledge of internal affairs officers. Also, as one of the main principles of the development of the education system of the internal affairs system in our country, special attention was paid to the training of internal affairs officers with intuitive knowledge and their material and moral stimulation. In order to improve the educational system of the internal affairs system of our republic, in the conditions of wide implementation of the information environment, opportunities were created to develop the stable interest of employees in research activities based on the intuitive approach, relying on advanced foreign experiences, and intuitiveness and innovative thinking were recognized as important indicators.

### ХОДИМЛАРДА ИНТУИТИВ БИЛИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

*Жахонгир Шарипович Искандаров*  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** когнитив, интуиция, хулқ-атвор, интуитив, оригинал, симметрия, ижодий қобилият, ижтимоий-маданий, хотира, диққат

**Аннотация:** Мазкур мақолада ходимларда интуитив билишнинг шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни очиқ берилган.

Шунингдек, мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бири сифатида интуитив

билишга эга ички ишлар ходимларини тарбиялаш ва уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Республикамиз таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида ахборот муҳитини кенг жорий қилиш шароитида интуитив ёндашув асосида ходимларнинг тадқиқотчилик фаолиятига барқарор қизиқишини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш имкониятлари яратилган бўлиб, интуитивлик ва инновацион тафаккур муҳим индикатор сифатида эътироф қилинди.

---

## РОЛЬ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ИНТУИТИВНЫХ ЗНАНИЙ У СОТРУДНИКОВ

*Джаҳонгир Шарипович Искандаров*

*Таашкентский государственньй экономиеский университет*

*Таашкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** познание, интуиция, поведение, интуитивное, оригинальное, симметрия, творческие способности, социокультурные, память, внимание

**Аннотация:** В данной статье раскрывается роль педагогических технологий в формировании интуитивных знаний сотрудников. Также в качестве одного из основных принципов развития системы образования в нашей стране особое внимание уделялось обучению сотрудников интуитивным знаниям и их материальному и моральному стимулированию. В целях совершенствования системы образования системы внутренних дел нашей республики в условиях широкого внедрения информационной среды созданы возможности для развития устойчивого интереса сотрудников к научно-исследовательской деятельности на основе интуитивного подхода с опорой на передовые зарубежные Опыт, а также интуитивность и инновационное мышление были признаны важными показателями.

---

### КИРИШ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ички ишлар тизими таълим соҳасини ривожлантиришнинг асосий тамойилларидан бири сифатида интуитив билишга эга ички ишлар ходимларини тарбиялаш ва уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада ички ишлар тизими соҳага ихтисослаштирилган ўқув юртларида чуқурлаштирилган академик гуруҳларни ташкил этиш, ички ишлар ходимларининг ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида махсус илмий-тадқиқот марказлар фаолиятини йўлга қўйиш тизими шакллантирилди. Интуитив билишга қилиш қобилиятига эга ички ишлар ходимларини илмий-ижодий имкониятларини самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлар тизими таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда замонавий ички ишлар тизими фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, ЮНЕСКО томонидан берилган маълумотларга кўра, "...турмуш учун зарур билим, кўникма ва малакаларини шакллантирувчи, барқарор ривожланишга эришиш мақсадини таъминловчи маскан олий таълим муассасаси бўлиб қолмоқда ва дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида олий таълим олишга эҳтиёж бугунги кунда жадал ўсиб бормоқда. Бу ҳолат статистик маълумотларга кўра, ривожланмаган мамлакатларнинг 8 % ёшлари университетларда таҳсил олаётган бўлсалар, энг ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 74 %ни ташкил қилаётганлиги қайд этилган"<sup>1</sup>.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Замонавий ички ишлар тизими таълим тизими офицерларини интуитив ёндашувлар асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан ички ишлар тизими таълим соҳасида ходимларнинг интуитив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини

тарбиялаш инновацияларни яратиш, янги билимларни яратувчи замонавий парадигмал ёнадшувлар асосида когнитив ҳамда дивергент фикрлаш қобилиятни тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам дунё миқёсида тайёрланаётган ички ишлар тизими мутахассис-кадрларда тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялашнинг интеллектуал омилларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бу борада рақобатбардош ички ишлар тизими кадрларни тайёрлашнинг мазмуни ва илмий-методик базасини ривожлантириш, таълим жараёнида ностандарт илмий-амалий ечимларни ўзини ўзи фаоллаштириш асосида ўзлаштириш, янги ички ишлар тизими фанларга доир ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш бўйича илмий изланишлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан олий ички ишлар тизими ўқув юртларида ходимларнинг тадқиқотчилик лаёқатини интуитив ёндашув асосида тарбиялаш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда ички ишлар ходимлари интуитив билишини шакллантириш устувор аҳамият касб этади. Бинобарин, хорижда

айнан ички ишлар ходимлари интуитив билишини ривожлантириш асосида бу тизимни самарадорлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Мураккаб глобал ўзгаришлар шароитида эса ички ишлар тизими рақобатга бардош бера олиш учун ҳар бир давлат ўзига хос ички ишлар тизими-сиёсий муносабатларининг олтин

қоидасига амал қилиш талаб этилади. Сўнги бир аср давомида босқичма-босқич, бироқ изчил ривожланиб келаётган ички ишлар тизими таълим технологиялари бевосита мазкур соҳани жадал ривожлантириш жараёнини қўллаб-қувватлаш, ундаги таълим ва тарбия тизимининг сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, юқори интеллектга эга, маънавий-руҳий жиҳатдан

барқарор, рақобатбардош ички ишлар тизими ходимлари билан таъминлаш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Республикамиз ички ишлар тизими таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида ахборот муҳитини кенг жорий қилиш шароитида интуитив ёндашув асосида ходимларнинг тадқиқотчилик фаолиятига барқарор қизиқишини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш имкониятлари яратилган бўлиб, интуитивлик ва инновацион тафаккур муҳим индикатор сифатида эътироф қилинди. Ички ишлар ходимларида тадқиқотчилик лаёқатини интуитив ёндашув асосида тарбиялаш ва изланувчанлик сифатларини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қилувчи моддий-техник база, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси тубдан янгиланди. Чунки айнан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”<sup>2</sup> устувор вазифалар алоҳида белгилаб берилган.

Бу борадаги вазифалар таълим жараёнлари мазмунини илмийлаштириш, ички ишлар ходимларининг когнитив ва дивергент тафаккурини шакллантириш ҳамда ижодий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ички ишлар ходимларидаги бошқа ҳар қандай сифат (фазилят) каби интуитивлик ҳам бирданга шаклланмайди. Ички ишлар ходимларида

интуитивлик муайян таълим ва тарбия босқичларида изчил шакллантирилиб, ривожлантирилиб борилади. Одатда интуитивлик ички ишлар ходимларининг фаолиятида

тез-тез кўзга ташланса-да, бироқ бу ҳолат уларнинг келгусида катта ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у

ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур, деган эҳтимолни ифодалайди.

Ички ишлар ходимларининг интуитив потенциал билиш жараёнига

йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигида, янги ғояларни яратиш қобилияти, шунингдек, шахс характериға хос жиҳатлар - бир қолипда фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилиш, заковатли бўлишда акс этади.

Интуитив фаолият ички ишлар ходимларининг бевосита илмий-ижодий фаолият билан боғлиқ бўлиб, у асосида янги моддий ва маънавий неъматлар яратилади.

Ўз навбатида, ички ишлар ходимларининг тадқиқот ва ижодий мулоҳазалари

илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш орқали истиқболли вазифаларнинг оптимал ечимини танлай билиш ва амалий фаолиятида тажриба-синов ишларини

ўтказишни талаб қилади. Демак, ички ишлар тизими соҳани тубдан ислоҳ қилишда илм-фаннинг ривожини ва уни такомиллаштиришга бўлган интилиш, изланишлар ҳар бир жамиятнинг илмий-ижодий тараққиёти ва маданиятининг юксак кўрсаткичларидан бири ҳисобланиди.

Ички ишлар ходимларининг интуитивлик потенциалини ривожлантиришда қуйидаги методлардан фойдаланиш самарали саналади: тадқиқий вазифалар; ички ишлар тизими соҳадаги илмий-ижодий изланувчанликка чорловчи вазиятлар; ички ишлар тизими соҳадаги индивидуал назарий ва амалий

ишланмалар; ички ишлар тизими фан ва техника соҳасидаги инновацион лойиҳалар; «ички ишлар тизими саводхонлик» ва бошқалар. Зеро, А.Эгамбердиев тўғри таъкидлаганидек, “Инновацион онг – фундаментал билимларни ўзида акс эттирган, жамиятда амалга ошаётган инновацион жараёнларни англаб етган ва шахсни бу жараёнларга йўналтирувчи онг. Унинг 2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни Ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси

Қонуни ҳужжатлар тўплами – Т.; 2017 – б.37.

таркибий қисми инновацион руҳият, хулқ-атвор, тафаккур, фаолият ва инновацион салоҳиятдан таркиб топган”3.

Замонавий шароитда ҳар бир ички ишлар ходими ўзида қуйидаги интуитив қобилиятларни тарбиялай олиши керак:

- 1) ўз қўл остидаги ходимларни диққатини фаол торта олиш қобилияти;
- 2) ички ишлар тизими соҳада қарорларни қабул қилишдаги сезгирлик (касбий зийраклик, бошқаларга ҳамдард бўла олиш, ички сезгига эга бўлиш);
- 3) нафақат касбий фаолиятдаги ҳаракатчанлик, ўз қўл остидаги аскарларга иродавий таъсир кўрсатиш ва ишонтириш қобилиятига эгаллик;
- 4) ички ишлар тизими жамоадаги барқарорлик (ўз-ўзини тута билиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш);
- 5) ички ишлар тизими жанговор ҳаракатларни рационал ҳолда башоратлай билиш;
- 6) ички ишлар тизими-касбий фаолиятдаги мустақиллик, ижодий қобилиятга эгаллик.

Ички ишлар тизими кадрлар тайёрлашнинг асоси ижтимоий ва педагогик жараён бўлиб, бунда ички ишлар тизими мутахассисларнинг юқори сифатли тайёргарлиги орқали давлатнинг ички ишлар тизими хавфсизлигини таъминлаш

учун белгиланган вазифаларни самарали, сифатли бажаришга қодир бўлган қисмлар, бўлинмалар, тузилмалар, уюшмалар ташкил этилади. Шунингдек, ички ишлар ходимларининг ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда муваффақиятли бажаришлари учун зарур бўлган билимларни, кўникмаларни, кўникмаларни яратиш ва ривожлантириш бўйича педагог ходимларнинг умумий

мақсадли, уюшган, узлуксиз олиб бориладиган ва ўзаро боғлиқ фаолияти айниқса муҳимдир. Ички ишлар ходимларини ва ички ишлар тизими жамоаларни ўқитиш жараёнини ўзлаштириш давомида қуйидаги вазифалар белгилаб олинади:

- ички ишлар ходимларини ўқитиш мазмуни, технологияси, шакллари ва усулларини ўзлаштириш;

- ички ишлар ходимларини тайёрлашда назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш;
- илмий ва интуитив билишни шакллантириш ва уни самарадорлигини

баҳолаш ва ўқитишнинг истиқболли натижаларига олиб келадиган янги усулларни излаш. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш даврида ўқув жараёнининг назарий тузилмаси учун асос ажратилган бўлиб, натижада бўлинмалар ва таркибий Эгамбердиев А.А. Ўзбекистонда модернизация шароитида ёшларда инновацион онг шаклланишининг

ижтимоий-фалсафий муаммолари. Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. –Б.17.

тузилмалар ходимларини ўқитиш учун мавжуд услубий тизимларнинг яратилиши ва такомиллаштирилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ички ишлар ходимлари интуитив билишини шакллантиришда педагогик ва инновацион технологияларга таяниб, ички ишлар тизими мутахассисларни

тайёрлашни махсус педагогик жараён сифатида кўриб чиқиши керак, унинг асосий вазифаларидан бири бўлинмаларнинг доимий юқори жанговар тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг Ватанни ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлиши керак. Айни шундай ёндашув ички ишлар ходимини билим, кўникма ва қобилиятини юксалишига хизмат қилади, шунингдек ўрганилаётган фан ва фанлар тўғрисида тўғри фикр ва тушунчаларни шакллантиради; муайян дунёқарашни ривожлантиради; мантикий

фикрлашни ривожлантиришга, таълим муаммоларини ҳал қилишда мустақилликка ва бошқаларга туртки беради.

Шунингдек, ички ишлар ходимлари интуитив билишини шакллантириш ички ишлар ходимининг шахсий фазилатларини, ички ишлар тизими коллективнинг соғлом ахлоқий ва руҳий ҳолатини шакллантиради.

Ички ишлар ходимларининг интуитив билишини шакллантириш мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ўзига хос ижодий ечим беради. Ўз навбатида ички ишлар ходимлари фаолиятида ўзига хос барқарор руҳиятни шакллантириб ва замонавий касбий фаолиятда тез қарор қабул қилишга, турли даражадаги мураккабликдаги жанговар вазифаларни, машғулотларга, шунингдек хизмат вазифаларини ҳал қилишга ўз вақтида тайёр бўлишига ёрдам беради.

Ички ишлар ходимлари интуитив билишини шакллантириш уларни ўз ҳаракатлари, ўқув жараёнининг мазмуни ва усулларини олдиндан аниқлаш ва уни такомиллаштириш бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқишда ҳам устувор аҳамият касб этади.

Замонавий вазият нафақат ички ишлар ходимларини ўз вазифаларини режалаштириш ва самарали бажариш учун нафақат инсон ресурслари, балки шахснинг интуитив билишини шакллантириш муҳимлигини англаш билан тавсифланади. Замон талабларига жавоб беришга мажбур бўлган замонавий армияни ривожлантириш фақат барча ходимлар, хусусан офицерларнинг юқори малакасини шакллантиришни тақозо этади.

Ички ишлар тизими ўқув юртларининг асосий вазифалари - офицер шахсини, унинг умумий ва ички ишлар тизими-касбий маданиятини шакллантириш; ички ишлар тизими ишларда ижтимоий жараёнларнинг боришини, уларнинг диалектик бирлигида таҳлил қилиш ва башорат қилиш қобилиятини ривожлантириш; ички ишлар ходимларига ички ишлар тизими зобитнинг бурчини, шарафини, кадр-қимматини, Ватанга муҳаббат ҳиссини сингдириш муҳим ҳисобланади. Офицер реал воқеаларнинг ривожланишини

олдиндан билиши шарт. Унинг ҳаракатлари башоратли бўлиши керак, бу мустақил равишда олинган касбий билимларнинг мавжудлигини англатади. Чунки К.Туленова тўғри таъкидлаганидек, “Илмий башорат - бу ўтмиш ва бугуннинг номаълум ҳодисалари (нарсалари, жараёнлари, қонунлари, далиллари

ва ҳок.) шунингдек, машҳур назариялар, қонунлар, гипотезалар асосидаги хулоса сифатида илгари суриладиган келажак ҳодисаларига нисбатан улар ҳақидаги

тахминлардир”<sup>4</sup>. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ички ишлар ходимлари айниқса ёш

офицерларни ўқитиш ва ўқитиш муаммоларига етарлича эътибор қаратилмоқда.

Яъни ички ишлар тизими олий ўқув юртлари ички ишлар ходимлариига янги юқори талаблар қўйила бошланди. Хизмат вазифаларини муваффақиятли бажариш учун уларнинг ҳар бири қўмондон, техник мутахассис ва ваколатли раҳбар сифатларига эга бўлиши керак. Қўплаб ёш офицерларни тайёрлашдаги қуйидаги асосий камчиликлар ҳанузгача сақланиб қолмоқда:

- қийин вазиятда тартибсизлик ва ноаниқлик;
- ўзига ва бўйсунувчиларига етарли даражада аниқлик талаб этилмаслиги;
- буйруқ ёрдамида доимий назоратга эҳтиёж;
- хизмат вазифаларини бажаришда ташаббускорликнинг йўқлиги;
- ривожланмаган машаққатли меҳнат;
- номувофиқлик;
- паст тиришқоқлик;
- тайинланган иш учун жавобгарлик ҳиссининг йўқлиги;
- ўз мутахассисликларини яхши билмаслиги.

Ушбу камчиликлар уларнинг тарқалиш тартибида келтирилган. Тизимли маълумотлардан кўриниб турибдики, ёш зобитларнинг асосий камчиликлари

заиф ирода, тайинланган вазифага масулиятсизлик билан қараш, шунингдек кундалик масалаларни ҳал қилишда етарлича маҳоратнинг йўқлиги натижасида намоён бўлади.

Ҳозирги замонда олий ички ишлар тизими таълим тизими

модернизациялаштирилиши даврида, сифат жиҳатдан янгича бўлган кадрлар, шу жумладан офицерларнинг резервларини шакллантириш зарурати юзага

келмоқда. Албатта бу офицерларни тайёрлашнинг янгича мазмуни ва ташкилий жиҳатдан такомилени талаб қилади, айти пайтда, интуитив билиш, тасаввур, ўз ўзини ривожлантиришга қобилиятлар ташкил қилувчи унинг методологик

асосига алоҳида эътибор қаратилиши керак.



Жамиятда ва ички ишлар тизими таълим тизимида кечаётган янги вазият мунтазам ўзгаришлар даврида самарали ишлай оладиган офицерларни

4 Туленова К. Предвидение и реальность. – Ташкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. – 45 с.

тайёрлашни талаб қилмоқда. Бугун офицерга юксак даражадаги мутахассис-лик компетентлигидан ташқари, турли психологик-педагогик вазиятлар ечимига ноанъанавий ёндаша олиши, ўз фаолиятини нафақат хизмат юзасидан кўрсатмалар ва меъйёрий-ҳуқуқий актлар асосида ташкиллаш-тириш, бунга ижодий ёндашиш лаёқатини талаб қилинмоқда. Ички ишлар тизимига фаол ва мустақил мутахассислар, мунтазам равишда ўзи шахсан такомиллашиб бориши, фаолиятини ривожлантириши лозим. Айнан шундай мутахассислар ўз вазифаларини ўз мобиллиги, билимларни тезда янгилаш, билим ва кўникмаларини ривожлантири, янги фаолият турларини ўзлаштиришдан иборат ишини тўлиқ бажара олади.

Ижодкорликни фаолият тури ва компоненти сифатида ўзлаштирилиши офицерга бўлинмада, ички ишлар тизими-ўқув тайёргарлик мазмуни ва тузилмасида эҳтимолий ўзгаришларни моделлаштириш, шахсий таркибига унинг потенциал имкониятларидан келиб чиқиб шахсий мақсадли ёндашувини шакллантира олади. Айнан шу маънода, тажрибада кўринишича, офицерда интуитивликни ва ижодий индивидуалликни ривожлантириш унинг компетентлиги ва профессионализмни оширади. Ички ишлар ходимларни тайёрлашда интуитивликни шакллантириш сабаби у профессионал ижод асоси ҳисобланади, мутахассиснинг ижодий потенциалини ривожлантиради ва уни фаоллаштиради.

Ҳозирги замонавий шароитларда интуитивлик шахснинг содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларга мослашуви механизми сифатида гавдаланади.

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққиёти динамикаси, айти вақтда, инсонларнинг маънавий ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. Замонавий дунёга маънан мос келиш учун офицер нафақат турли ва ўзгарувчан вазиятларга мослаша олиши, балки уларни ўзгартириши, пировардида ўзи ҳам ривожланиши талаб этилмоқда. Шу сабабли, ижодий фаоллик, ижодий тафаккур ва тасаввурни ўрганишга бағишланган тадқиқотларга ҳозирда талаб ҳам қизиқиш ҳам юқори. Дастлаб “интуитивлик” термини 50 йилларнинг охирида ғарб психологиясида юзага келган ва индивиднинг янги тушунчаларни яратиш ва янги кўникмаларни шакллантириш қобилиятига

айтилган.

## ХУЛОСА

Ички ишлар ходимларида интуитив қобилиятларни ривожлантиришда ўқитувчининг асосий вазифаси таълимни дифференциаллашувини таъмин-лаш, унга кўра ички ишлар ходимлари гуруҳларга бўлинади. Бу бир қатор ҳалақит берувчи омилларни истисно қилиб, рақобат эмас ҳамкорлик муҳитини ҳосил қилишга ёрдам беради. Интуитив қобилиятларни ривожлантирувчи мезонлар сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ўз мутахассислигига мотивацион-қадриятли муносабатга асосланган фаолият. Бунинг кўрсаткичлари: ўз мутахассислигини ўрганиш ва ўзлаштиришда шахснинг мотивацион-ижодий фаоллиги ва йўналганлиги;

шахснинг эмоционал-иродавий сифатлари (мақсадли, оғир ишга лаёқатли, ўзига ишонч, ўз ҳатти-ҳаракатини бошқариш, фаолиятидан қониқиш). Иккинчидан, интеллектуал-ижодий кўникмалар.

Кўрсаткичлари сифатида: профессионал амал вазифалар приёмларини билиш ва улардан ижодий фойдаланиш, ижодий тафаккурнинг ривожланганлиги. Учинчидан, ўзининг шахсий фаолиятини рефлексиялаш деганда ахборотни қайта ишлаш олиш (яъни асосий жиҳатини ажрата билиш, муаммони англаш, ғояларни генерация қилиш, далил ва ходисалар ўртасида ўзаро алоқадорликни топиш); танқидий тафаккур;

ўқув машғулотларини бажара олишда (репродуктив, муаммоли, қисман-тадқиқий); ахборотлар билан ишлашда зарур бўлган оқилоналикда ва англашганликда, якуний қисмда мустақил иш ва аннотацияларни тайёрлашда зарур бўлади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://thinktanks.by/publication/2017/04/21/yunesko-kolichestvo-studentovv-mire-s-2000-po-2014-godudvoilos.htm>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни Ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлар тўплами - Т.; 2017 - б.37.
3. Эгамбердиев А.А. Ўзбекистонда модернизация шароитида ёшларда инновацион онг шаклланишининг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Тошкент, 2019. -Б.17.
4. Туленова К. Предвидение и реальность. - Ташкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. - 45 с.
5. Егоров А.В. Теория познания и проблема интуиция. Автореф. дис.канд филос. наук. -М.: 1973. - 18\_\_